

SPECIAL ISSUE

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 3 | MAY-JUNE | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at www.imfaktor.com

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР 3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE 3

ТОШКЕНТ – 2024

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-3>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2024 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ГАЙИРОВ Фазлиддин Сатторович

*Божхона қўмитасининг Божхона институти
“Халқаро алоқалар хизмати”*

бош инспектори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11278412>

ЯНГИ ПСИХОФАОЛ МОДДАЛАР ВА СИНТЕТИК ГИЁХВАНД ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИ ВА ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жамиятда бугунги кунда янги гиёхванд воситаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ юзага келаётган хавф-хатар, таҳдид ва муаммоларнинг аҳамияти ўрганилиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинган ва мазкур йўналишдаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича фикрлар баён этилган. Хусусан, кенг жамоатчилик ўртасида мазкур муаммонинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш, аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни белгилаш ва масъул бўлган тузилмалар жавобгарлигини янада ошириш масалалари тақлиф этилган.

Калит сўзлар: хавф-хатар, таҳдид, психофаол моддалар истеъмоли, синтетик гиёхванд воситалар, жамият ва ёшлар саломатлиги, иммунитет, тарғибот ишлари.

НЕГАТИВНОЕ ВЛИЯНИЕ НОВЫХ ПСИХОАКТИВНЫХ ВЕЩЕСТВ И СИНТЕТИЧЕСКИХ НАРКОТИКОВ НА ЗДОРОВЬЕ МОЛОДЕЖИ И ОБЩЕСТВЕННУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ

АННОТАЦИЯ

В данной статье изучена важность предотвращения новых рисков, угроз и проблем, возникающих в обществе в связи с злоупотреблением наркотических веществ, анализирована проводимая в связи с этим работа и изложены идеи по совершенствованию деятельности в данном направлении. В частности, было предложено обратить особое внимание широкой общественности на важность этой проблемы, принять четко направленные меры и еще больше повысить ответственность уполномоченных структур.

Ключевые слова: риск, угроза, потребление психоактивных веществ, синтетические наркотики, здоровье общества и молодежи, иммунитет, пропагандистская работа.

NEGATIVE IMPACT OF NEW PSYCHOACTIVE SUBSTANCES AND SYNTHETIC DRUGS ON YOUTH HEALTH AND COMMUNITY SAFETY

ANNOTATION

This article examines the importance of preventing new risks, threats and problems arising in society in connection with drug abuse, analyzes the work carried out in this regard and outlines ideas for improving activities in this area. In particular, among the general public, issues have been proposed to pay special attention to the importance of this problem, to establish clearly directed measures and to further increase the responsibility of the responsible structures.

Keywords: risk, threat, consumption of psychoactive substances, synthetic drugs, public and youth health, immunity, propaganda work.

Узоқ даврлардан буён инсонлар турли хил психоактив моддалар билан бирга яшаган ва ўзаро алоқада бўлишган, уларнинг хусусиятини ўрганиб, таркибий қисмини диққат билан тизимлаштиришган. Психофаол моддалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўплаб урф-одатлар маълум тоифадаги одамлар ўртасида оммалашиб, масалан, шаманлар ва руҳонийлар орасида билимларни бўлишишга, шунингдек кучли таъсир қилувчи моддалардан фойдаланишнинг қатъий қоидалари ва улардан фойдаланишни чеклашга ҳаракат қилинган.

Ритуал мақсадлардан ташқари, маст қилувчи психофаол моддалардан роҳатланиш учун ва тиббиётда ҳам кенг фойдаланилган. Психофаол моддалар билан ўзаро муносабатларга оид баъзи тартиб ва қоидалар, инсоният жамияти тарихи билан боғлиқ бўлиб келмоқда. Бугунги кунда психофаол моддаларни тартибга солиш ва улардан ноқонуний фойдаланишни олдини олишга қаратилган тизимли чора-тадбирларга “гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан ўрнатилган давлат сиёсати” деб қаралади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда янги психоактив моддаларни истеъмол қилиш ҳолати кўпайиб бормоқда ва бундай гиёхванд моддаларни истеъмол қилган одамларнинг соғлиғига оғир таҳдидларни олиб келмоқда, шулар қаторида истеъмол дозасини ошириб юбориш, психотик реакциялар, ОИВ инфекцияси тарқалишининг ортиши ва натижада ҳаётдан эрта кўз юмиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Шунга қарамадан, кўплаб давлатлардаги зарарли оқибатларни камайтириш ва наркотик моддаларга бўлган қарамликни даволаш дастурлари, шошилиш хизматлар мутахассислари беморларга янги психофаол моддалар билан боғлиқ хавфларни камайтириш учун сифатли ёрдам ва маслаҳат беришга етарлича тайёр эмаслиги маълум бўлмоқда [1].

Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё минтақасида янги психофаол моддаларнинг тарқалиши ва истеъмол қилиниши билан боғлиқ вазият кўпчиликни хавотирга солмоқда ва миллий соғлиқни сақлаш тизимлари, давлат идоралари, маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат уюшмалари эътибор қаратиши лозим бўлган масала ҳисобланади.

ЕвроОсиёда зарарли оқибатларни камайтириш асоциацияси (ЕЕСА) маълумотида кўра, янги психофаол моддалар бир неча ўн йиллар олдин кучли назорат қилинган дорилар (*амфетамин, кокаин, каннабис ва героин*) каби таъсирга эга, аммо қонунчилик назорати остида бўлмаган психофаол дорилар таййёрлашни кўпайиши туфайли пайдо бўлган феномен деб ҳисобланади [1].

Синтетик каннабиноидлар ва синтетик катинонлар янги психофаол моддаларнинг (ЯПМ) асосий гуруҳи таркибида бўлиб, Европа давлатларида кенг тарқалгандир. Уларнинг асосий истеъмолчилари турли сабабларга кўра ЯПМдан фойдаланишга ўтган ва илгари гиёхванд моддаларни истеъмол қилмаган ёшлар ҳисобланади.

ЯПМлардан фойдаланишга туртки бўладиган омилларга ўз хаётидан қониқмаслик билан боғлиқ мотивлар, турли минтақаларда ЯПМнинг агрессив маркетинги мавжудлигидир. Янги психофаол моддалар Интернет орқали ва ижтимоий тармоқларда, шунингдек кўплаб шаҳарлардаги жамоат бинолари ва иншоотлари деворларида реклама қилинади. ЯПМни истеъмол қилишнинг соғлиқ учун асосий хавфи ушбу моддаларнинг ҳақиқий таркибини текшириш имконияти мавжуд эмаслиги бўлиб, одамлар аслида нима ишлатаётганини билишмайди. Инсон соғлиғи учун бошқа хавф-хатарларга руҳий саломатлик муаммолари, орттирилган иммунитет танқислиги вирусини (ОИВ) юктириш, шунингдек, гиёҳванд моддаларни бетартиб истеъмол қилиш (инъекция) натижасида келиб чиқадиган гепатит С вирусини юктириш хавфлари киради.

Ҳозирча янги психофаол моддаларга қарам бўлган одамлар учун самарали даволаш усуллари мавжуд эмас, чунки асосий эътибор анъанавий дориларга, яъни опиоидлардан фойдаланувчиларни даволашга қаратилган. Шу каби зарарларни камайтириш хизматини кўрсатадиган ташкилотлар, аксарият ҳолларда, ЯПМдан фойдаланадиган одамларнинг абстиненциясини қондириш учун мослаштирилмаган. Бу борада зарур бўлган илмий асосланган нашрлар деярли йўқ.

Маълумки, психофаол моддалар турлари доимий равишда ноқонуний лабораторияларида синтез қилинмоқда. Афсуски, ваколатли органлар бундай моддаларнинг таркибини аниқлаш, хавфини тезда текшириш, уларни назорат қилинадиган моддалар рўйхатига кўша олиш имконига эга эмас.


Бирор бир модда бир мунча вақт муомалада бўлиб турса, унинг ўрнини тезда бошқа психофаол модда эгаллаши мумкин, шунинг учун, айрим давлатларнинг қонунчилигида улар назоратсиз қолади, яъни маълум маънода “қонуний” бўлиб кўриниши мумкин. Ушбу фактдан наркотик моддаларнинг дистрибьюторлари инглиз тилидаги “Legal” юридик атамасини “қонуний” деб таржима қилиб фойдаланишга интиладилар.

Ҳар бир модда турини аниқлаш, таркибини ўрганиш ва таъқиқланган моддалар рўйхатига кўшиш узоқ вақт талаб қилишини ҳисобга олиб, кўплаб давлатлар миллий қонунчилигига (*жиноят кодекси*) гиёҳвандлик воситалари аналоглари деган тушунчани киритишмоқда. Яъни бунга кўра, гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари бу кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш бўлган, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий бўлган моддалардир.

Бундай амалиёт 2018 йил октябрь ойидан бошлаб Ўзбекистонда ҳам қўлланиб келинмоқда. Шунга кўра, Жиноят кодекси билан гиёҳвандлик воситалари ва прекурсорлар билан бир қаторда гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари билан боғлиқ жиноятлар ҳам таъқиб қилинади [2].

Жорий йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси матбуот хизмати хабарига кўра, Қуйи палатанинг навбатдаги мажлисида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, ҳамда кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомаласига қарши курашишга қаратилган Қонун лойиҳаси кўриб чиқилган ва депутатлар томонидан қабул қилинган.

Расмий хабарда келтирилишича, гиёҳвандлик воситалари муомаласини Интернет тармоғи орқали амалга ошириш, бундай воситаларни тарқатиш ва реклама қилишнинг янги усулларида фойдаланиш кескин ортмоқда. Шундай усуллардан бири “наркографити” усули бўлиб, бунда ноқонуний ташкил этилган Интернет-дўкон манзили ҳақида маълумотлар девор ва йўлакларга чизиш орқали тарқатилмоқда. Шунингдек, уларни истеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларга ёшларни, айниқса вояга етмаганларни жалб қилиш ҳам кўпайиб бормоқда.



“Қонун лойиҳаси билан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни телекоммуникация тармоқлари ва Интернет тармоғидан фойдаланиб қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик, ушбу жиноятларни вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда содир этганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда”, - дейилган хабарда [2].

Юқоридагилар, бугунги кунда жамият хавфсизлиги ва инсон саломатлиги учун жиддий хавф солаётган янги хавф-хатарлардан бири бўлган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасини олдини олиш ва бунга қарши самарали курашиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Мазкур муаммо кўплаб давлатларда учраётганлиги сабабли, бу мавзуда Россиялик эксперт А.Примерова куйидаги фикрларни таъкидлаган. Сўнгги йиллардаги янгиликлар кўпинча ёшлар томонидан гиёҳванд воситаларни истеъмол қилиш ва дозани ошириб юбориш ҳолатлари, ушбу тоифадаги фуқароларда депрессиянинг намоён бўлиши ва сон-саноксиз ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари содир бўлаётганлиги ҳақида хабар берилмоқда. Бундай ҳолатлар янги наркотаҳдидар тўғрисида сигнал бўлиб, истеъмолчиларнинг руҳий саломатлиги ёмонлашаётганини билдиради. Бунинг сабаби жамият онгида содир бўлаётган ўзгаришлар замирида ётади: хусусан ёшларнинг гиёҳвандликка, гедонистик турмуш тарзига, материализмга қизиқиши ривожланмоқда, бошқача қилиб айтганда, ахлоқий қадриятлар ва идеаллар ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Ёш авлод ҳар кун оммавий ташвиқотнинг катта оқимида дуч келиб, инсонпарварлик маълумотидан узоқлашиб бормоқда [4].

Таъкидлаш жоизки, синтетик гиёҳвандлик воситалари инсон танасига анъанавий, экиб етиштирилган наркотик моддаларга қараганда ўнлаб, ҳатто юз маротаба кучли таъсир кўрсатади. Ушбу моддаларнинг аксарияти оғир заҳарланишни келтириб чиқаради. Албатта табиий каннабиноидлардан фойдаланиш ҳолатлари кўплаб учраб туради. Бироқ, синтетик воситалар билан заҳарланиш ҳолатлари кун сайин тобора кўпайиб бормоқда.

Бошқа бир эксперт З.Дзакоевнинг фикрича РФ Шимолий Осетия-Алания Республикасида психотроп моддаларни истеъмол қиладиган одамлар моддий фаровонлик даражасига кўра маълум бир фарқланиши мумкин.

Одамларнинг нисбатан кичик қисми юқори нарҳли кучли таъсир кучига эга психотроп моддаларни сотиб олиш имкониятига эга бўлиб, ўзларини “нуфузли” деб ҳисоблашади. Бундай моддалар ёшлар клубларида тарқатилади ва “доимий” мижозлар учун ресторанларда шахсий канналлар ёрдамида таъминланади [5].

Синтетик наркотиклардан фойдаланиш жисмоний қарамликка олиб келади. Қарамлик ҳолатида бўлган одам ўзига нисбатан доимо таъкибларни ҳис қилади ва бу туйғудан халос бўлишни истаган истеъмолчи турли хавфли ҳаракатларга қўл уради, баъзида ўз жонига қасд қилишади. Психофаол моддалар судулар қисқаришини келтириб чиқаради, натижада тўқималарга кислород етишмайди. Хужайралар кислородсиз ўлади ва бу қайтмас жараён. Истеъмолчи интеллектуал қобилиятининг доимий пасайишига, сурункали бош оғриғига ва деменцияга олиб келади.

Синтетик гиёҳвандлик воситаларни тарқатишнинг асосий муҳити одатда ёшлар контингентидир, вояга етмаганлар: 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар, бу жамоатчилик, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг алоҳида эътибор талаб қиладиган масалар қаторидадир [4].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бошқармаси томонидан бугунги кунда кенг тарқалаётган ушбу муаммони ўрганиш, уни олдини олиш мақсадида алоҳида доктринал ҳужжат – Синтетик наркотиклар Стратегияси (*UNODC Synthetic Drug Strategy*) тайёрланди [6].



2021-2025 йилларга мўлжалланган Синтетик наркотиклар стратегияси бир қатор соҳаларида комплекс ёндашув орқали синтетик моддаларга нисбатан амалга ошириладиган ва мувофиқлаштириладиган фаолиятни, хусусан опиоид инқироzi бўйича глобал ечимни кучайтиришга қаратилган.

Шу кунга қадар UNODC томонидан Опиоид стратегияси ва синтетик дори стратегияси доирасида илмий ва суд экспертизалари дастури, Global SMART дастури, Global CrimJust дастури, UNODC Жануби-Шарқий Осиё ва Тинч Океани минтақавий идораси учун ихтисослаштирилган дастурларни амалга ошириш жараёнида бир нечта лойиҳалар самарали ижро этилди.

Мазкур муаммони олдини олиш ва баратараф этиш мақсадида Ўзбекистонда ҳам комплекс чора-тадбирлар белгиланган ва амалга оширилмоқда. Жумладан, 2024 йил 6 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-73-сон Фармони қабул қилиниб [7], унда мамлакатда амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга нисбатан қарши иммунитетни шакллантириш, инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган ишларга алоҳида эътибор қаратиладиганлиги таъкидланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонининг устувор мақсадларига эришиш, республикада гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқоқуний айланмасининг барвақт олдини олиш, аҳолида уларни истеъмол қилишга нисбатан иммунитетни шакллантириш орқали генофондга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш, гиёҳвандликка чалинган беморларни жаҳон тажрибаси асосида тиббий-даволаниш тизимини ташкил этиш учун “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024-2028 йилларга мўлжалланган миллий Стратегия” тасдиқланди ва унинг ижроси бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Миллий стратегия қуйидаги асосий мақсадларни ўз ичига олади:

1. Аҳолида гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантириш;
2. Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг олдини олишга қаратилган сифат жиҳатидан янги механизмларни белгилаш;
3. Наркожиноятларга қарши курашиш фаолиятига замонавий ишлаш усулларини татбиқ қилиш;
4. Аҳолига сифатли наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янги методлар асосида ривожлантириш;
5. Гиёҳвандликнинг тиббий-ижтимоий реабилитациясини янада такомиллаштириш;
6. Гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш.

Ушбу мақсадлар ва белгиланган чора-тадбирларни бажаришга масъул бўлган вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, уюшма ва таркибий тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази амалга оширади. **Марказ қуйидагиларни ҳам ижро этади:**

- республикада гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ вазиятни ҳудудлар кесимида илмий-амалий ва ахборот-таҳлилий жиҳатидан тизимли равишда чуқур ўрганиб бориш, асосий омиллар ҳамда тенденцияларни аниқлаш ва прогноз қилиш;

- гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини шакллантириш, бу борада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш чораларини кўриш;

- гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар томонидан кўрилаётган чораларнинг самарадорлигини эксперт жиҳатдан баҳолаш, бу борада ягона ахборот алмашуви ва идоралараро ҳамкорликни ташкил этиш;

- гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш соҳасида хорижий давлат тузилмалари ҳамда халқаро ташкилотлар билан манзилли ҳамкорликни ўрнатиш, мазкур соҳада халқаро фаолиятни тартибга солувчи конвенциялар доирасида Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан БМТга йиллик маърузалар тайёрлаш;

- гиёҳвандликнинг олдини олиш ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашиш бўйича илғор миллий ва хорижий тажрибаларни доимий ўрганиш ҳамда унинг натижаларини жорий этиш ва оммалаштириш бўйича методика, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

- гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш самарадорлигини ошириш йўналишида миллий ва халқаро конференциялар ҳамда симпозиумларни ўтказиш чораларини кўриш, масъул давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш бўйича семинарларни ташкил этиш.

Миллий стратегиянинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш, уни амалга оширилиши устидан назорат функцияси жуда муҳим, ушбу йўналишда мутасадди давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда минтақавий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш талаб этилади.

Жамият одида турган янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш, самарали ечим ва муваффақиятли жавоб чораларини кўриш кун тартибида турган долзарб вазифалардан бири. Шундан келиб чиқиб, муаммоларни илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, чуқур ўрганиш ва ҳар томонлама пухта ўйланган таклифларни ишлаб чиқиш, бирламчи апробациядан ўтказиш ва ижобий натижаларни кенг жорий этиш барча тузилмаларнинг вазифасидир.

Бундай ёндашувлар нафақат киберхавфсизлик йўналишида ижтимоий тармоқлар фаолиятини тартибга солиш, балки соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, фойдали ва унумли меҳнат турлари билан таъминлаш, ижтимоий таъминот ва таълим жараёни самарадорлигини ошириш ҳам шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, бугунги кунда жамиятда гиёҳванд воситаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ юзага келаётган янги хавф-хатарлар, таҳдид ва муаммоларнинг аҳамияти, бу борада амалга оширилаётган ишлар доимий таҳлил қилиб боришни тақозо этади. Амалга оширилаётган ишлар ва ушбу йўналишдаги кейинги фаолиятни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқишда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳамжихатликда ушбу муаммога самарали ечим топиш учун барча имконият ва ресурсларни сафарбар этиш талаб этилади.

ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.

1. Данные Евразийской ассоциации снижения вреда. Наркополитика, снижение вреда. <https://harmreductioneurasia.org/ru/harm-reduction/new-psychoactive-substances>
2. Новые психоактивные вещества. Данные Евразийской ассоциации снижения вреда. <https://www.gazeta.uz/oz/2018/10/02/analog/>
3. Гиёхвандлик воситаларини интернетда сотганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Веб-ресурс <https://sputniknews.uz/20240305/gyohvandlik-internet-sotish-javobgarlik-42788726.html>
4. Примерова, А. Е. Синтетические наркотики как новая угроза для молодого поколения / А. Е. Примерова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2016. — № 2 (106). — С. 1000-1003. — URL: <https://moluch.ru/archive/106/25104/> (дата: 16.05.2024).
5. З.Л. Дзакоев - Социальные аспекты потребления наркотиков и психоактивных веществ. Вестник Владикавказского научного центра; <https://cyberleninka.ru/article/n/sotsialnye-aspekty-potrebleniya-narkotikov-i-psihotropnyh-veschestv>
6. Стратегия УНП ООН в области синтетических наркотиков. Веб-ресурс – <https://syntheticdrugs.unodc.org/syntheticdrugs/ru/implementation/global.html>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР 3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE 3

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz